

## **Волейбол мусобақаси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон қарори ижроси юзасидан ТИҚХММИ Қарши филиали ва филиал ҳузуридаги академик лицейнинг 2021 йилга мўлжалланган Маънавий-маърифий ва спорт ишлари самарадорлигини янада ошириш юзасидан ҳамкорлик йўл харитаси ишлаб чиқилиб тасдиқланган. Йўл хаританинг 6 - банди ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 2 февраль куни филиал профессор ўқитувчиси Э.Қувватов томонидан спортнинг волейбол туридан филиал 1 - босқич талабалари ва лицей ўқувчилари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Спорт мусобақаси қизғин ва муросасиз тарзда кечди. Мусобақалар якунида иштирокчиларга академик лицей директори Ё.Тошмуродов томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**